



Барча департамент директорлари ва мустақил бошқарма бошлиқларига

Барча филиал бошқарувчилари ва МАБ бошлиғига
(нусхаси филиал юристига)

Сизга «Туронбанк» АТБ Бошқарувининг 2020 йил 11 майдаги 41/1-сонли қарори билан тасдиқланган “БХОлардаги мавжуд муддатли омонатлар доирасида “Янги офисга марҳамат” номли акция ўтказиш Тартиби” (ички меъёрий ҳужжат рўйхат рақами №802 (электрон почта орқали)) юборилмоқда.


Мазкур меъёрий ҳужжатни Марказий банкнинг №501-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банклар томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, ижрочиларга етказиб бериш, уларни ўрганишни ташкил этилиши юзасидан назоратни ўрнатиш борасидаги услубий кўрсатмалар»и талаблари асосида рўйхатга олиш, ижрочиларга етказиб бериш, май ойи техник ўқувлар режасига киритиб, банкнинг барча ходимларининг ўрганишини ташкил этиш ва амалдаги ички меъёрий ҳужжатлар рўйхатига киритишингиз ҳамда тегишли йиғмажилдларга тикилган ҳолда сақланишини таъминлаш вазифаси юклатилади.

Ушбу кўрсатмани олгандан кейин бир иш кунида электрон почта (Султонова У.) орқали ижрога чиқарилган масъул ходимларни лавозимларини кўрсатган ҳолда рўйхатини юборишингизни сўраймиз.

Илова: варақда.

Банк аппарати раҳбари

И.Саламов



**“ТУРОНБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ**

«11» сентябрь 2020 йил № 41/1

Тошкент ш.

“Туронбанк” АТБда янги очилган Банк хизматлари офис(БХО)ларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, БХОлардаги мавжуд муддатли омонатлар доирасида “Янги офисга марҳамат” номли акция ўтказиш Тартибини тасдиқлаш юзасидан

Бошқарув қарор қилади:

1. “Туронбанк” АТБ Чакана хизматлар кўрсатиш департаменти директори Б.Васихановнинг “Туронбанк” АТБда янги очилган Банк хизматлари офис(БХО)ларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, БХОлардаги мавжуд муддатли омонатлар доирасида “Янги офисга марҳамат” номли акция ўтказиш Тартиби ишлаб чиқилгани тўғрисида берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.


2. “Туронбанк” АТБ БХОлардаги мавжуд муддатли омонатлар доирасида “Янги офисга марҳамат” номли акция ўтказиш Тартиби” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Банк аппарати (И.Саламов) ўрнатилган тартибда мазкур Тартибни рўйхатга олиб, барча департамент, мустақил бошқарма ва барча филиаллар(МАБ)га ишда амал қилиш учун юборсин.

4. Банкни стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти (Ф.Рузикулова) оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали банкнинг ушбу “Янги офисга марҳамат” номли акциясини реклама қилишни ташкил этсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вазифаси Бошқарув Раиси ўринбосари А.Т.Рискулов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси


Ч.С.Мирзаев

802 - сон билан
рўйхатга олинган

"Туронбанк" АТБ
Бошқарувининг
2020 йил "11" май даги
4111 - сонли Қарори
билан
"ТАСДИҚЛАНГАН"

“Туронбанк” АТБда янги очилган Банк хизматлари офис (БХО)ларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, БХОлардаги мавжуд муддатли омонатлар доирасида “Янги офисга марҳамат” номли акция ўтказиш Тартиби

1. Умумий қоидалар

Ушбу тартиб акция шартлари, акцияни ўтказиш қоидалари, жойи ва вақтини белгилайди.

Акциянинг номланиши: «Туронбанк» АТБда мавжуд Банк хизматлари офисларидаги омонатчиларнинг “Янги офисга марҳамат” номли акция.

Акция ташкилотчилари: «Туронбанк» АТБ.

Акция ҳудуди: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, «Туронбанк» АТБнинг МАБ ва барча филиалларида очилган Банк хизматлари офисларида ўтказилади.

Акция ўтказиш вақти: 2020 йилнинг 1 майдан 2020 йилнинг 15 октябрга қадар ўтказилади.

Акцияда қатнашувчилар: Банк хизматлари офисларида омонат қолдиғи минимал миқдори 5 млн. сўмни ташкил этган (онлайн омонатлар бундан мустасно) муддатли омонат ҳисобварақ эгалари.

2. Акция иштирокчилари

Акцияда 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

“Туронбанк” АТБда мавжуд Банк хизматлари офисларида омонат қолдиғи минимал миқдори 5 млн. сўмни ташкил этган муддатли омонат ҳисобварақ эгалари, автоматик равишда акция иштирокчисига айланишади.

Акцияда қатнашиш, акция иштирокчиларининг ушбу Қоидаларга тўлиқ розилигини англатади.

Агар иштирокчи ушбу Қоидаларга риоя қилмаса, соврин берилмайди. Совриннинг қийматига тенг пул маблағини тўлаш, совринни олиш ундан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш тақиқланади.

Мукофот ташкилотчи томонидан қайтариб олинмайди ва алмаштириб берилмайди.

3. Акцияда иштирок этиш шартлари

Акцияда иштирок этиш учун акция ўтказилиш даврида иштирокчилар «Туронбанк» АТБнинг Банк хизматлари офисларида минимал миқдори 5 млн. сўм бўлган омонат ҳисобварағи очишлари ҳамда жорий йилнинг 15 октябрга қадар омонат қолдиғининг энг ками 5 млн. сўмни ташкил этиши зарур.

Акция ғолибининг номи октябр ойининг охири декадасида Random.org сайтидан фойдаланган ҳолда тасодифий танлов орқали аниқланади.

Акция ғолибининг мукофот олишга розилиги:

Акция ғолиби, ташкилотчига (банк) ўз биометрик паспортининг асл нусхасини ва "Туронбанк" АТБда очилган омонат дафтарчасини тақдим этиши лозим;

Агар ғолиб томонидан ташкилотчига (банк) тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилса, ташкилотчи уларни белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириши ва қалбакилиги аниқланган тақдирда тегишли совринни бермаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ташкилотчига (банк) яроқсиз, нотўғри ҳужжатлар ёки маълумотлар тақдим этиш ҳолати аниқланса, шунингдек, танлов шартлари бузилган бўлса, ташкилотчи (банк) совринни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни имзолашдан бош тортади ва мукофот акция ғолибига берилмайди.

Ғолибларнинг акция шартларига риоя қилмасликлари, акцияда иштирок этишдан ҳамда келгусида совринни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келади.

Акция иштирокчилари ташкилотчидан (банк) акцияда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан, мукофот иштирокчисига мукофот берилмаган тақдирда ва иштирокчининг акцияда қатнашишдан бош тортган тақдирда унинг қопланишини талаб қилишга ҳақли эмас.

Акция ғолиби мукофотни олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай солиқ ёки мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига мувофиқ тўлаш учун жавобгардир. Акция ғолиби соврин қийматининг нақд пул эквивалентида тўланишини талаб қилишга, шунингдек, уларга бошқа товарлар ёки хизматлар кўринишида беришни талаб қилишга ҳақли эмас;

Ушбу акция билан боғлиқ барча мунозарали масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тартибга солинади.

Акцияда Туронбанк ходимлари, уларнинг оила аъзолари иштирок этишлари таъқиқланади.

4. Соврин жамғармаси

Асосий мукофот –Телевизор (Бир марталик танлов асосида ҳар бир БХО кесимида 1 та ғолиб);

5. Акцияни ўтказиш ва ғолибни аниқлаш тартиби

Ушбу акция ғолибини аниқлаш учун ўрнатилган тартибда Бош банк томонидан махсус Комиссия тузилади.

Акция муддати тугандан сўнг “Чакана хизматлар кўрсатиш” департаменти беш иш кунида, акция даврида омонат қолдиғи минимал миқдори 5 млн. сўмдан кам бўлмаган муддатли омонат ҳисобварақ эгалари рўйхатини шакллантиради. Агарда бир миждоз бир неча омонат ҳисобварақларига эга бўлса, миждознинг Ф.И.Ш. рўйхатда шунча маротаба кўрсатиб ўтилади. Ходимлар билан ишлаш департаменти томонидан тақдим этилган рўйхатдан банк ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари чиқариб ташланади. Шундан сўнг, “Excel” шаклидаги акция қатнашчилари тўғрисида батафсил маълумотлар Комиссияга қуйидаги шаклда тақдим этилади:

№	Филиал	Банк хизматлари офислари номи	Ф.И.Ш.	Муддатли омонат қолдиғи
1	МАН	Оқ Сарой	Anvarov Anvar Sobitovich	10 000 000.00

Random.org сайти орқали аниқланган акция ғолиби 2020 йил октябр ойида махсус комиссия томонидан тасдиқланади.

Банк акция иштирокчилари билан ёзма музокаралар ёки бошқа алоқалар қилмаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, акция ўтказишда низолар бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Акция ғолиби ўзининг шахсий маълумотларини, акция доирасида тақдим этади ва уларни қайта ишлашга розилик беради.

Акция ғолиби ўзининг исм ва фамилияси, фотосуратлари, видео роликлари ва бошқа материалларидан ташкилотчи (банк) томонидан реклама мақсадида фойдаланиш ва мазкур материаллар учун ҳеч қандай ҳақ тўламай фойдаланишларига розилик билдиради.

Банк ўз хоҳишига кўра акция доирасидаги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида, мазкур ўзгариш юз бергандан сўнг 3 (уч) банк иш кунида www.turonbank.uz веб-сайтига олдиндан хабар бериш орқали, ушбу Қоидаларга ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ташкилотчи (банк) совринлар рўйхатини ўзгартириш ёки кенгайтириш ҳуқуқига эга.

Ташкилотчи (банк), мукофот эгасининг соғлиғига (ҳаётига), шунингдек учинчи шахсларнинг мулкига, соғлиғига ёки ҳаётига етказилган зарар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Ушбу акцияни ўтказиш пайтида юзага келадиган барча келишмовчиликлар Ташкилотчи (банк) ва Иштирокчи (акция ғолиби) ўртасида ўзаро музокаралар орқали ҳал қилинади. Низо вужудга келган ҳолларда, мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Акция ғолибига қўшимча равишда, акция иштирокчисига айланган яна иккита миждоз асосий ғолиб томонидан совға рад этилган тақдирда заҳира номзод сифатида танланади.

Ушбу акциянинг натижалари ва унинг ғолиблари Random.org сайти маълумотлари асосида аниқланган миждозлар рўйхати комиссия томонидан белгиланади, комиссия қарори протоколда қайд этилади.

Ғолибнинг номи банкнинг расмий корпоратив веб-сайтида, шунингдек банкнинг расмий ижтимоий саҳифаларида эълон қилинади.

Акция ғолиби аниқлангандан сўнг, ғолибга ташкилотчи (банк) томонидан СМС-хабарнома ёки телефон қўнғироғи орқали маълум қилинади.

6. Совринларни олиш тартиби ва шартлари

Соврин “Туронбанк” АТБнинг тегишли Банк хизматлари офисларида тақдим этилади. Ғолиб ўзининг паспортининг асл нусхасини тақдим этиши ва совринни ғолибга топшириш билан боғлиқ зарурий ҳужжатларни имзолаши шарт. Соврин ғолибга топширилганидан сўнг банк ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади.

7. Акция иштирокчиларига акциянинг тўхтатилиши ёки муддатидан олдин тугатилиши тўғрисида хабардор қилиш тартиби

Акция иштирокчилари радио орқали, реклама роликларини телевидения, супермаркетлар, ресторан ва кафелардаги мониторларга жойлаштириш, интернетдаги ижтимоий тармоқларда ва банкнинг ижтимоий саҳифаларида жойлаштириш орқали, акциянинг амалга ошириш шартлари ва тартиби тўғрисида хабардор қилинадилар.

Ушбу акция тўғрисида батафсил маълумот, шунингдек акция қоидалари банкнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштирилади: www.turonbank.uz

Акция муддатидан олдин тугатилганда, уни ўтказиш муддати узайтирилганда ёки Қоидаларга ўзгартириш киритилган тақдирда, тегишли маълумотлар ўзгартиришлар кучга кирадиган санадан 10 кун олдин Банкнинг www.turonbank.uz сайтида жойлаштирилади.

Киритилди:

**Чакана хизматлар кўрсатиш
департаменти директори**



Б.Б. Васиханов

Эксперт гуруҳи раҳбари:

**Бошқарув Раисининг биринчи
ўринбосари**

А.Т. Ташев

Эксперт гуруҳи аъзолари:

**Бошқарув
Раиси ўринбосари**

А.Т. Рискулов

**Бошқарув
Раиси ўринбосари**




С.Т. Калдибаев


Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
ҳисобот департаменти
директори – Бош бухгалтер

 Ш.Э. Бозоров

Ходимлар билан ишлаш
департаменти директори

 Ш.А.Ибрагимова

Юридик департамент директори

 Б.Н.Арипов

Ички аудит департаменти
директори

 Б.У.Ахмедов

Банк аппарати раҳбари

И.Т.Саломов

Ғазначилик ва қимматли
қоғозлар департаменти
директори

 Д.А.Рустамов

Кредитлаш департаменти
директори в.в.б.

 Ф.Ф.Шакаров


Инвестиция фаолиятини
мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни
бошқариш маркази директори

А.А.Абдуразоқов

Банк рискларини бошқариш
департаменти директори

 С.О.Сафаров


Банкни стратегик
ривожлантириш ва маркетинг
департаменти директори в.в.б.

 Ф.А.Рўзикулова

Ташқи иқтисодий фаолият
департаменти директори

 Б.Т.Шамуратов

Ахборот технологиялари
департаменти директори

 З.Я.Ибрагимов

Ички назорат департаменти
директори в.в.б

 Т.М.Жаббаров

Банк хавфсизлиги ва ахборотларни
муҳофаза қилиш бошқармаси
бошлиғи

А.У.Ходжакбаров

Ишлар бошқармаси бошлиғи

 А.А.Шаққулов